

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ИЛИМПАЗ ХАСАНБАЕВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ–УНИВЕРСИТЕТ ТИЗИМИДА МАТЕМАТИК
АНАЛИЗ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Алламбергенов Илимпаз Хасанбаевич Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлаш методикаси	3
Алламбергенов Илимпаз Хасанбаевич Методика обеспечения преемственности при обучении основам математического анализа в системе академический лицей–университет	23
Allambergenov Ilimpaz Khasanbaevich Methods of providing continuity in teaching the basics of mathematical analysis in the academic lyceum-university system	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publication.....	47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ИЛИМПАЗ ХАСАНБАЕВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ–УНИВЕРСИТЕТ ТИЗИМИДА МАТЕМАТИК
АНАЛИЗ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped377 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тургунбаев Рискелди Мусаматович
физика-математика фанлари номзоди,
доцент

Расмий оппонентлар:

Тожиев Мамарежаб
педагогика фанлари доктори, профессор

Камалов Амангелди Базарбаевич
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.20.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, академик Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Нукус шаҳри, академик Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Базарбаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фалс.ф.д., академик

З.К.Қурбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

Э.И.Рўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ўқувчиларнинг математик саводхонлигини ошириш (PISA, TIMSS дастурлари), математикадан иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва академик ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган таълим жараёнини самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар билан бир каторда математикани ўқитишда таълим босқичлари орасидаги узлуксизлик ва узвийликни таълимдаги янги тенденцияларга (таълимнинг ахборотлашуви, инновацион технологиялар, шахсга йўналтирилган таълим) мос таъминлаш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати кузатилмоқда.

Жаҳонда математикани мактабнинг қуйи ва юқори синфларида ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш, ўқувчилар математик тайёргарлигининг олий таълимда математика курсларини муваффақиятли ўрганиши учун зарур бўлган талаб даражасини аниқлаш ва унга эришиш бўйича тадқиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Шу боис мактабнинг юқори синфларида, академик лицейларда математикани олий таълим муассасаларида ўқитиладиган математика курслари билан узвийликда ўқитиш методикасини таълим мазмунини танлаш, инновацион ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ёрдамида такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам таълим жараёнида илғор хорижий тажрибаларни танқидий ўрганиш ва ижодий фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»¹ вазифаси белгиланиб, унга мос «академик лицейларда ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини кескин ошириш»² устувор вазифа этиб белгиланган. Бундан «академик лицей – университет (олий таълим муассасаси)» тизимида математика фанини ўқитишда узвийликни таъминлаш методикасини ҳар бир олий таълим муассасаларининг хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда олий таълим муассасалари томонидан абитуриентларнинг билимига, малака, кўникмаларига, таянч ва предмет компетенцияларига қўйиладиган талабларга академик лицейда математикани ўқитиш жараёнида эришиш орқали такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сонли Қарори.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3290-сонли «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада узвийлик муаммосининг педагогик жиҳатлари А.Абдуқодиров, М.Джораев, Д.Шодиев; таълимнинг ҳар хил босқичларида фанлар узвийлигини ўрганиш М.Аширова, Н.Ғайбуллаев, А.Саломов; узлуксиз таълимнинг умумий таълим ва касб-хунар таълим муассасалари орасидаги узвийлиги И.Алиев, Ш.Шарипов; «Мактаб–олий таълим муассасалари» тизимида математика фанларини ўқитишда узвийлик масаласи Н.Алимов, М.Насирова, Р.Тургунбаев, Д.Юнусоваларнинг тадқиқот ишлари, методик қўлланмалари, дарсликлари, илмий мақолаларида алоҳида ёритилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида математикани ўқитишда узвийлик муаммоси Ж.Караев, А.Мубарақов, С.Годник, В.Туркина, алгебра ва анализ асосларини мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида узвийликда ўқитиш муаммоси И.Антонова, С.Нуриева, М.Ткаченколар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижда математика фанини ўқитиш методикасига доир тадқиқотлар R.Sutherland, J.Kule, P.Kahn, P.Gates, K.Sidhy, D.Dayal, Sh.Wadhala, B.Nicolescu ва T.Petrescuлар томонидан олиб борилган.

Илмий манбаларда алгебра ва анализ асосларини мактаб–олий таълим муассасаси, коллеж–олий таълим муассасаси тизимида узвийликда ўқитишнинг турли вариантлари, мактаб ва педагогика институтларида алгебра ва анализ асосларини ўқитишда анализнинг асосий тушунчаларини кўргазмаларини интуитив киритиш орқали узвийликни таъминлаш таклиф этилган. Аммо академик лицей ва университет математика фанлари дастурларида такрорланадиган мавзуларни ўқитиш мақсадлари ўзлаштириш даражалари, уларни баён этишнинг абстрактлик поғоналари аниқ ишлаб чиқилмаганлиги, ўқувчиларнинг назарий билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларининг пастлиги ҳамда теорема, масалаларда умумий структурани ажратиш, мустақил ўқишга асосланган математик анализ курси билан лицейларда сақланиб келинаётган анъанавий ўқитиш методикаси, лицей ва

олий таълим муассасаларида математик фанларни ўқитиш методикаси билан боғлиқ илмий тадқиқот ишига бўлган эҳтиёжнинг юзага келганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁФ-1-04 “Ўқувчиларнинг таълим олишига этник хусусиятларни ҳисобга олиб педагогик-психологик ёндашув” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

академик лицей–университет тизимида математик анализ асослари узвийлигини таъминлайдиган моделни такомиллаштириш;

академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишга бўлган методик талабларни аниқлаштириш;

математик анализ асосларининг таянч таъриф ва теоремаларини ўрганишда фойдаланиладиган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

математик анализ асосларини ўқитишда ўқувчиларнинг билимларини ривожлантирувчи интерфаол технологияларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги ва Фарғона давлат университети қошидаги академик лицейлардан жами 231 нафар респондент жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлаш мазмуни, методи, восита ва шаклларида иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иш мавзусига оид илмий, методик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, узлуксиз таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперт баҳолаш), кузатиш, тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

математик анализ асосларини ўқитиш узвийлигини таъминлаш моделининг мазмунли-жараёнли компоненти математик тилни ривожлантириш, таъриф ва теоремаларни ўрганишда асосий мантиқ қонунлари ва усуллари татбиқ этиш ҳамда асосланган мушоҳада юритиш компетенцияларини мақбул уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишга бўлган методик талаблар (алгоритми, идентив ўқув мақсади) такрорланадиган ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси (α), ўқув

ахборотини баён қилиш тилини тавсифлайдиган абстракция поғоналари (β) ёрдамида аниқлаштирилган;

математик анализ асосларини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ностандарт ва мантиқий ўқув топшириқлар муаммони масалага айлантиришни, масала ечимининг интегратив усулини излашни, олинган натижани текширишни, ечимнинг тўғрилигини исботлашни талаб этадиган Пойя универсал схемаси (масалага муаммо сифатида ёндашув) асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг математик билимларини ривожлантиришнинг интерфаол (продуктив, креатив, ментал) технологиялари математик анализнинг асосий теорема ва тушунчаларини тўлиқ ўзлаштириш, формал-мантиқий ва муаммоли методларни уйғунлаштириш, тафаккур шаклларини координациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда такрорланадиган мавзулардаги ўқув элементларини ўзлаштириш даражалари ва абстрактлик поғоналари аниқланди, натижада академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишнинг мазмун жиҳатдан узвийлиги таъминланган;

академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишнинг мақсад, структура, технологик ва натижавий блоklarдан ташкил топган узвийлик модели такомиллаштирилган;

математик анализ асосларини академик лицейларда ўқитишнинг ташхисланувчи мақсадлари, уларга мос топшириқлар тизими ва назарий материаллар асосида “Кетма-кетликлар”, “Лимитлар назарияси” номли методик қўлланмалар нашр қилинган;

академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлайдиган моделни амалга оширувчи ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик методлар воситасида асослангани, методика, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини узвийликда ўқитишга ижобий таъсир этувчи омилларнинг асосланганлиги, такомиллаштирилган узвийлик моделининг мазмун, мақсад, технологик ва натижавий ташкил этувчилари аниқлаштирилганлиги, ўқувчиларда умумматематик фаолият усулларини шакллантириш орқали узвийликнинг таъминланиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти академик лицей–университет тизимида такрорланадиган мавзулардаги ўқув элементларини ўзлаштириш даражалари

ва абстрактлик поғоналарини аниқ белгилаш ўқув-фан дастурларини такомиллаштириш, таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган ўқув адабиётларини яратиш, узвийлик моделини бошқа фанларни ўқитишда узвийликни таъминлаш учун хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлашга доир ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

математик тилни ривожлантириш, таъриф ва теоремаларни асосий мантиқ қонунлари ва усулларини татбиқ этиш асосида такомиллаштирилган математик анализ асосларини ўқитиш узвийлигини таъминлаш моделининг мазмунли-жараёнли компоненти аниқ фанлар учун тасдиқланган дастури мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 март 89-03-899-сонли маълумотномаси). Натижада математик анализ фанини ўқитишнинг модулли ўқув дастури ишлаб чиқилган ва математик анализ асосларини ўқитишнинг узвийлиги таъминланган;

академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси (α), ўқув ахборотини баён қилиш тилини тавсифлайдиган абстракция поғоналари (β) ёрдамида ўқув материалларини тизимлаштиришга доир таклифлар асосида аниқ фанларга ихтисослашган академик лицейларда чуқурлаштириб ўқитиладиган математика фанининг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 март 89-03-899-сонли маълумотномаси). Натижада академик лицей ўқувчиларининг таълимнинг кейинги босқичида математик анализни ўзлаштириш кўрсаткичининг ошишига эришилган;

математик анализ асосларини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган муаммони масалага айлантириш, масала ечимининг интегратив усулини излаш, олинган натижани текшириш, ечимнинг тўғрилигини асослашга доир ностандарт, комбинатор ва мантиқий ўқув топшириқлари, ўқувчиларнинг математик билимларини ривожлантиришнинг интерфаол технологиялари математик анализнинг асосий теорема ва тушунчаларини тўлиқ ўзлаштириш, формал-мантиқий ва муаммоли методларни тафаккур шаклларини координациялаш ёрдамида ишлаб чиқилган комплекс методни қўллашга доир методик тавсиялардан фан машғулотларининг соатлари бўйича тақсимоти оптималлаштирилиб, анализ асосларининг кетма-кетликлар ҳамда функциянинг лимитига бағишланган мавзулари бўйича аудитория машғулотлари ва мустақил таълимни ташкил этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 март 89-03-899-сонли маълумотномаси). Натижада академик лицей ўқувчиларининг математик билимлар сифати ортишига, ўқиш мотивацияси кучайишига, мустақил ишлаш кўникмалари ва эвристик тажрибалари ривожланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та методик кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари, тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини узвийликда ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда педагогик назария ва амалиётда математик таълимнинг узвийлигини таъминлашга бўлган ёндашувлар таҳлили келтирилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, бажарилган тадқиқотларда таклиф этилаётган узвийликни таъминлаш асосан олий таълим муассасаси биринчи курс талабаларини мактаб математика курсини такрорлаш, қайта ўқитиш билан боғлиқ. Академик лицейларда ўқувчиларни ўқитиш, яъни ўқувчиларда таълимнинг кейинги босқичини муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўлган билим, умумматематик кўникмаларни шакллантириш орқали узвийликни таъминлаш масаласи қаралмаган.

Таълимда узвийликнинг даражалари сифатида методологик, умумпедагогик, дидактик даражаларини ажратиш мумкин. Таълимда узвийликнинг методологик даражаси «шахснинг ривожланиш қонунлари, қонуниятлари ва принциплари даражасида» қаралади. Бунда узвийлик принципи ўқув-билишдаги методологик принцип сифатида қаралиб, диалектика қонунларининг инъикосини ифодалайди. Бу даражада узвийлик принципини қараш унинг энг муҳим хоссаларини: ўқув-билишнинг динамизминини, билимларнинг соддадан мураккабга ҳаракати ва ривожланиши, ўқув-билишдаги диалектик сакрашларнинг мавжудлигини ажратишга имкон беради.

Умумпедагогик даражада таълимдаги узвийлик таълим тизимининг «жипслаштирувчи» принципи сифатида қаралади. Бу принцип таълимнинг

турли босқичларида ўқув-тарбиявий жараённинг бирлиги ва бутунлигининг зарурий шарти сифатида баҳоланади.

Узвийликнинг дидактик даражаси бевосита педагогик амалиёт даражасида амалга оширилади. У педагогик жараённинг барча қисм тузилмалари: мақсадлари, принциплари, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари қамраб олади.

Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлаш масаласини ҳал этиш учун «Узвийликни қим амалга оширади?», «Нима ва қандай узвийланади», «Қандай усуллар билан узвийликни амалга ошириш мумкин?» деган саволларга жавоб бериш лозим. Шу мақсадда академик лицейлар ва университетларда математик таълимнинг узвийлик тизимининг морфологик таҳлили бажарилган.


Узвийлик тизими очик тизим бўлганлиги сабабли синергетик ёндашувдан фойдаланиш мумкин. Узвийлик тизими учун бифуркация нуқтаси таълим олувчиларнинг таълимнинг бир босқичидан иккинчисига, ўқув масканини алмаштириш вақтидан иборат бўлади. Бифуркация нуқтасидан ўтиш жараёнининг узок давом этиши тизимнинг деградациясига олиб келади. Аммо академик лицей ўқувчиларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган узвийликнинг қисм тизимини бошқариш орқали тизимнинг ривожланиш йўналишига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Тадқиқотда ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди. Бу омиллар қуйидагилардан иборат: илмий-тадқиқот ва педагогик кўникмалар ҳамда малакалар (рефлексив, толерантлик, коммуникабеллик, прогностик, ишоравий моделлаштириш кўникмалари); ижод учун зарур мустақил ишлаш тажриба ва усуллари; чуқур назарий билимлар; ўқиш мотивацияси.

Узвийлик тизимини ўрганиш натижасида академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлаш модели ишлаб чиқилган (1-расмга қаранг).

Таълим жараёнини тизим сифатида унинг динамикасида тавсифлаш мумкин. Бунинг учун унинг таркибини (элементлари ёки блоклари), структурасини (улар орасидаги алоқа), унинг вазифаларига мос ажратиш керак. Ишлаб чиқилган академик лицей–университетда анализ асосларини ўқитиш яхлит тизимида тизим ташкил этувчи омил узвийликдан иборат. Тизимнинг асосий элементлари сифатида тўртта блок – мақсад, структура, технологик ва натижавийлик ажратилди. Ҳар бир блок ва улар орасидаги ўзаро алоқадорлик таълимдаги узвийликка асосланиши зарур, яъни:

- мақсад блоки;
- структура блоки;
- технологик блоки;
- натижа блоки.

Мақсад блоки ўқувчи ва талабаларнинг анализ асосларини ўзлаштириш сифатини самарали ошириш мақсадида узвийликни таъминлаш деб белгиланди.



1-расм. Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишнинг такомиллаштирилган узвийлик модели

Вазифалар мақсадни ойдинлаштиради ва унга эришишга ёрдам беради. Шу сабабли узвийликни таъминлашда қуйидаги умумий вазифалар шакллантирилди:

таълим мазмунлари, умумий принциплар, методлар, воситалар, шакллар ва шартлар орасида мослик ўрнатиш;

таълимнинг ҳар бир босқичига мос билим, кўникма, малакаларни шакллантириш.

Структура блоки академик лицей–университет ўқитувчиларининг ўзаро алоқадорлигини, анализ асосларини академик лицей–университетда ўқитиш тамойилларини, математик анализ асосларини ўз ичига олган дастурлар мазмуни мослигини акс эттиради. Узвийликни таъминлашда академик лицей–университет математика ўқитувчиларининг ўзаро биргаликдаги фаолияти муҳимдир. Шунини таъкидлаш жоизки, узвийликни академик лицейдан университетга ва университетдан академик лицей йўналишида таъминлаш лозим. Бунинг учун университетда ишлаш усулларини академик лицейга босқичма-босқич киритиш лозим, хусусан, ўқувчиларнинг ўқишдаги ўқув адабиётлари билан ишлашдаги мустақиллигига эътибор бериш керак, ўқувчиларни мустақил ўқишга, олий таълим муассаларида ўқишга тайёрлаш керак.

Академик лицейларнинг математика ва университетлардаги математик анализ фанлари дастурларида мавзуларнинг такрорланиши, ўқув адабиётларидаги мавзуларнинг баёнини таҳлил қилиб, биз В.П.Беспалько томонидан таклиф этилган ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси (α), ўқув ахборотини баён қилиш тилини тавсифлайдиган абстракция поғоналари (β) ёрдамида ўқув элементлари жадвали тузилди.

Мисол тариқасида «Сонли кетма-кетликлар. Кетма-кетликларнинг берилиш усуллари. Монотон ва чегараланган кетма-кетликлар» мавзулари бўйича ўқув элементлари жадвали келтирилди (1-жадвалга қаранг).

Ўқув элементлари жадвалини тузиш “Таълим босқичларида такрорланадиган ўқув элементларини таълим олувчилар томонидан қандай ўзлаштирилиши керак?” деган саволга жавоб беради. Шунингдек, у ўқув дастурларида белгиланган мавзулар учун ўқув материалларини танлаш, ташхисланадиган мақсадларни аниқ қўйиш, янги ўқув адабиётларини яратиш учун хизмат қилади.

Технологик блок - бу таълимнинг барча босқичларида фойдаланиладиган ва ижобий натижаларга олиб келадиган узвий методлар, воситалар, шакллар, ташқи ва ички шартлар мажмуасидир. Таълимнинг методлари ва шаклларидаги узвийлик олдин ишлатилган ўқув фаолияти усуллари ва методларини қисман ёки тўлиқ фойдаланиш ва уларни босқичма-босқич мураккаблаштириб боришдан иборат.

Тадқиқотда қуйидаги методлардан фойдаланилди: репродуктив метод, продуктив методлар (муаммоли ўқитиш методи, муаммоли баён қилиш методи, эвристик метод, тадқиқий метод), комплекс метод. Бу методлар ўзаро муҳим алоқаларга эга. Масалан, таълим мазмунини ўзлаштириш, ўқитишнинг барча бешта методини қўллаш орқали амалга оширилади. Лекин

кўп ҳолларда академик лицейларда эвристик ва тадқиқий методларга иккинчи даражали методлар сифатида қаралади. Бу эса таълим мазмунини ўзлаштириш сифатининг пасайишига олиб келади. Қаралаётган академик лицей–университет тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун юқорида келтирилган методларнинг барчасини бирлаштириб қўллаш лозим.

1-жадвал

«Сонли кетма-кетликлар. Кетма-кетликларнинг берилиш усуллари. Монотон ва чегараланган кетма-кетликлар» мавзуси бўйича ўқув элементлари жадвали

№	Ўқув элементлари	Академик лицей (Аниқ фанлар йўналиши)				Университет (математика бакалаврият таълим йўналиши)			
		α_6	α_0	β_6	β_0	α_6	α_0	β_6	β_0
1.	Сонли кетма-кетликнинг таърифи	0	1	0	2	1	3	2	2
2.	Кетма-кетликларнинг берилиш усуллари	0	1	0	1	1	3	1	1
3.	Умумий ҳади билан берилган сонли кетма-кетликнинг бир нечта ҳадини ёзиш	0	2	0	1	2	3	1	2
4.	Бир нечта ҳади билан берилган кетма-кетликнинг умумий ҳади формулаларидан бирини ёзиш	0	2	0	1	2	3	1	2
5.	Чегараланган кетма-кетлик таърифи	0	1	0	1	1	3	1	2
6.	Кетма-кетлик чегараланганлигининг геометрик маъноси	0	1	0	1	1	3	1	2
7.	Сонли кетма-кетликни чегараланганликка текшириш	0	1	0	1	1	3	1	2
8.	Монотон кетма-кетлик таърифи	0	1	0	1	1	3	1	2
9.	Сонли кетма-кетликни монотонликка текшириш алгоритмлари	0	1	0	1	1	3	1	2

Дидактикада таълимни ташкиллаштиришнинг учта шакли мавжуд: индивидуал ўқитиш ва тарбиялаш, синф–дарс тизими, маъруза–семинар. Маъруза–семинар шакли амалиётда олий таълимда, яъни таълим олувчида билимларни мустақил олиш кўникма ва малакалари шаклланганлигидан сўнг қўлланилади. Ушбу тадқиқотда назарий-амалий машғулотлар тизими қўлланилиб, у нафақат ташқи ташкиллаштириш шакллари бўйича узвийликни таъминлаб қолмасдан ўқитишнинг индивидуал, оммавий, гуруҳ шаклларини ўзаро алоқадорликда мувофиқлаштиришга имкон беради.

Ўқитиш методлари ўқитишнинг воситалари билан биргаликда татбиқ этилади. Ўқитиш воситалари билим олиш, кўникмаларни шакллантириш манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда ўқитиш воситаларининг қатъий классификацияси йўқ бўлиб, одатда ўқув қўлланмалар ва кўргазмали қурооллар, техник воситалар ва бошқалар тушунилади.

Агар бу воситалар ўқитиш жараёнининг бошқа компоненталари билан биргаликда қўлланилса, ўқитиш жараёнининг аҳамиятли элементига айланади. Лекин академик лицей ўқув жараёни таҳлилига кўра, ўқувчилар, фақат ўқитувчи маърузаларидан фойдаланиши, кам сондаги ўқувчилар қўшимча адабиётларни ўқишини кўрсатди. Бу нарса махсус методик ишланмаларнинг йўқлигини кўрсатади. Математик таълимнинг сифатини ошириш ва узвийликни таъминлаш учун замонавий техник воситалардан, масалан, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш лозим.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган «Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийлик модели» узвийлик жараёнининг моҳиятини, унинг структуравий таркибини, ташқи ва ички шартларини очиқ беради ҳамда университет ва академик лицей ўқитувчиларига анализ асосларини ўқитиш жараёнини самарали ташкил этишга имкон беради, бу эса ўқувчиларнинг кейинги босқичда ўқишни муваффақиятли давом эттиришига олиб келади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминловчи ўқитиш методикаси**» деб номланиб, иккита параграфдан иборат.

Биринчи параграфда академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналишидаги гуруҳларда математик анализ асосларини ўқитиш методикасининг хусусиятлари ёритилган. Бунда математик анализнинг асосий теорема ва тушунчаларининг ҳар бирини алоҳида шакллантириш, формал-мантикӣ ва муаммоли методларни рационал уйғунлаштириш, тафаккур шакллари координациялаш усуллари билан фойдаланиш билан такомиллаштирилган комплекс метод ишлаб чиқилган.

Бу метод бешта кетма-кет босқичдан иборат.

I босқич. Ўқувчилар тушунчаларни ишорали моделлаштириш, график ва оғзаки (матнли) ифодалаш ҳақида билимлар олади.

II босқич. Тушунча структура элементларига ажратилади. Тушунча компоненталари ўзаро алоқалари ва унинг структураси аниқ белгиланади. Ишорали модел элементлари ва унинг график интерпретацияси билан структура элементлари муносабатлари аниқланади. Бу босқичда ўқувчилар ўқув ахборотининг берилиш усуллари ҳақида билимлар олади. Тушунчанинг аҳамиятли аломатлари ажратилади. Бунда зарурий ва етарли шартларга, калит сўзларга алоҳида эътибор қаратилади.

III босқич. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тушунчалар баёни билан ишлайди, машқлар бажаради, ахборотни бир тилдан иккинчи тилга ўтказиш бўйича билимлар олади. Эвристик фаолият тажрибаларини эгаллайди.

IV босқич. Ўқувчилар тушунча баёни билан мустақил ишлайди, намуна бўйича машқлар бажаради.

V босқич. Ўқувчилар ўрганилаётган тушунчани ижодий ёндашишни талаб қиладиган масалаларни ечишда қўллаш бўйича индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлайди.

Тушунчаларни шакллантиришнинг бу келтирилган методи ўқувчиларнинг эвристик фаолиятини фаоллаштириш методини ўз ичига олади (III ва V босқичлар). Бу метод ўқув ва тадқиқий билимларнинг яқинлашувига ёрдамлашади, мустақил фаолият тажрибаларини мақсадли шакллантиради. Тушунча шакллантиришнинг III босқичида ўқувчи ва ўқитувчи биргаликда нафақат ўрганувчи тушунча компоненталари ҳақида, балки аниқ тасаввурни, муаммони ечишга ижодий ёндашувни талаб қиладиган бир нечта топшириқларни муҳокама қилади. Топшириқларни ечиш жараёнида педагог раҳбар ва йўналтирувчи сифатида қатнашади. Дастлаб педагог у ёки бу муаммони ечиш йўлларини кўрсатади. Бундан сўнг кўрсатилган йўлларнинг бири билан ечиладиган муаммо ўқувчиларга берилади. Ўқувчи томонидан тўғри танланган саволлар серияси ўқувчиларнинг масалани ечишига олиб келади, бундан сўнг яна бир маротаба такрорланади ва ўқувчиларнинг диққати ечиш кетма-кетлигига алоҳида қаратилади. Шундай қилиб, ўқувчилар эвристик фаолиятнинг бошланғич тажрибаларини эгаллайди, ўқув ва илмий билимларнинг фаол яқинлашиш жараёни амалга ошади. Тушунча шаклланишининг V босқичида қаралаётган моделнинг амалга оширилиши яна ҳам давом этади. Ўқитувчи томонидан гуруҳ кичик гуруҳларга (3–4 ўқувчидан) бўлинади. Тузилган кичик гуруҳлар таркиби қўйилган мақсадларга боғлиқ бўлади.

Агар босқичда ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда мустақил фаолият тажрибаларини шакллантириш бўлса, у ҳолда ҳар бир кичик гуруҳда мантиқий фикрлайдиган, фаразларни олдинга суриш қобилиятига эга ўқувчилар бўлиши лозим. Агарда босқичнинг асосий мақсади эвристик фаолиятни фаоллаштириш ва мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш бўлса, у ҳолда гуруҳ ўзлаштириш даражаси бўйича ажралади.

Кичик гуруҳлар тузилиб бўлгач, ҳар бирига ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ижодий топшириқлар берилади. Топшириқларни ечиш давомида ўқувчиларнинг бир-бири билан (ёки ўқитувчи билан) суҳбати жараёнида ижодий фаолият тажрибалари пайдо бўлади ва ривожланади. Бундан ташқари ўзига хос малакалар (аналитик, прогностик, проектив) ва кўникмалар (ўз-ўзини бошқариш кўникмаси, педагогик мулоқот кўникмаси) шаклланади.

Фикрлашнинг бундан кейинги фаоллашиш жараёни индивидуал эвристик фаолият шаклида ўтади. Бу босқичда ўқитувчи ўқувчининг шахсий маслаҳатчиси ролида бўлади. Шундай қилиб, назарий материални баён этишнинг комплекс методида чуқур умумўқув билимлар, малакалар, кўникмалар шаклланади, ижодий фикрлаш ривожланади, ўқишга қизиқиш шаклланади ва мустаҳкамланади, педагогик кўникма ва малакалар ривожланади.

Академик лицейларда амалий машғулотларда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

а) аниқ кетма-кетликда жойлаштирилган саволлар системасига асосланган метод. Бу метод ўрганилаётган материалга муаммоли элементларни киритиш орқали фикрлаш жараёнини фаоллаштиради. Бу

методга шунингдек ўрганилган назарий материалларни ўзлаштириш чуқурлигини назорат қилиш учун қўлланилиши мумкин бўлган масалалар – “софизмлар”ни ҳам киритиш мумкин. Масалан, кетма-кетликнинг лимити мавзусини ўргангандан сўнг академик лицей ўқувчиларига қуйидаги масалани бериш мумкин:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{1+2+3+\dots+n}{n^2} = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{1}{n^2} + \frac{2}{n^2} + \dots + \frac{1}{n} \right) = 0.$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{1+2+3+\dots+n}{n^2} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{\frac{1+n}{2} \cdot n}{n^2} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{1+n}{2n} = \frac{1}{2}, \text{ демак } 0 = \frac{1}{2}.$$

Хатони топинг. Хато қаерда?

б) жамоавий ижодий фаолиятни фаоллаштириш методлари учта босқичдан иборат. Биринчи босқичда масалани ечиш йўлларида иборат кўп сонли фаразлар ўқувчилар томонидан тавсия этилади. Иккинчи босқичда ҳар бир фараз кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади. Учинчи босқич тавсия этилган фаразларни баҳолаш, уларнинг тўғрилигини, қисқалигини баҳолаш учун зарур. Масалаларни ечишнинг ушбу гуруҳга тегишли методлари, масалалар ечишнинг бошқа методлари инверсия, аналогия ва бошқалар билан бирлашган ҳолда қўлланилиши мумкин.

Бу бобда математик анализ асосларини таклиф этилган ўқитиш методикаси билан анъанавий методиканинг қиёсий таҳлили, комплекс метод бўйича ўқитишнинг ҳар бир босқичида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тавсифи, таълим жараёнини назорат қилиш ва бошқариш тизими тавсифлари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Педагогик тажрибани ташкиллаштириш ва унинг натижалари**» деб номланиб, бунда тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили ёритилган. Ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичлардан иборат педагогик тажриба-синов ишлари 2007–2018 йиллар давомида ўтказилди. Тажрибанинг ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик босқичларида академик лицей–университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишнинг муаммолари, узвийликнинг таъминланганлик мезони аниқланди, ўқитиш методикасининг асосий компонентлари ишлаб чиқилди.

Математик анализ асосларини академик лицейларда ўқитишда узвийликни таъминлаш натижасининг мезони деб қуйидагилар белгиланди:

академик лицейда умумўқув билим, кўникма ва малакалар, айрим илмий-тадқиқий ва педагогик кўникмаларни сифатли эгаллаш (муаммо кўйиш малакаси, муаммони ечиш йўлларида излаш ва амалга ошириш, мустақил таҳлил ўтказиш, мустақил ишларни ташкиллаштириш, ахборот манбалари билан ишлаш, белгили моделлар билан ишлаш ва бошқа кўникмалар);

университетларда биринчи семестрдаги аттестация натижалари математик анализ бўйича академик лицей битирувчиларининг кўрсаткичлари ўрта статистик кўрсаткичдан юқори бўлиши.

Педагогик тажриба-синовнинг амалий босқичида Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицейи, Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицейи, Тошкент темир йўл транспорти мухандислари институти қошидаги лицейи, Фарғона давлат университети қошидаги академик лицейининг 3-курсларидан бешта назорат гуруҳи (жами 115 нафар ўқувчи) олинди, бунда ўқитиш анъанавий методика асосида «Алгебра ва математик анализ асослари» дарслиги бўйича олиб борилди. Ҳамда шу академик лицейлардан бешта синов гуруҳи (жами 116 нафар ўқувчи) танлаб олинди.

Синов ва тажриба гуруҳлари ўқувчиларининг умумий билим даражаларини аниқлаш учун 3 типдаги масалалардан ташкил топган назорат иши ўтказилди.

